

Хиндистон Англиянинг мустамлакаси бўлган кезларда бир куни инглиз аскарлари велосипед хайдаб кетаётган инглиз кизига хурматсизлик қилишгани учун ерли аҳолидан етти юз кишини ўша ернинг ўзида отиб ташлашди. Кейин вилоят губернатори бутун шаҳар аҳолисини бир неча кун факат эмаклаб юришга мажбур этди. Ундан нега бундай буйруқ берганини сўрашганида: “Улар Худоларига ишонишади, аммо битта инглиз аёли уларнинг барча илохларидан олийдир”, деб жавоб берди.

* * *

Туркистонни босиб олишда жонбозлик кўрсатган рус генерали, Фаргона генерал губернатори М. Скобелев бундай деган экан: “Тўкилган хар томчи рус кони учун душманнинг (ўрта осиёликларнинг) конини дарё қилиб оқизаман” (Мажид Хасаний. “Юрт бўйнидаги қилич”, Тошкент, 1977).

* * *

Биринчи жаҳон уруши пайтида Мўсулда (Ирок) халқ очликдан оғир аҳволда қолиб, хар куни қанчалаб инсонлар қўчаларда қийнала-қийнала жон берган ва бунинг олдини олишга ҳеч қандай чора топилмаган.

Энг дахшатлиси, очликдан ўлган бечора ёш болаларнинг этларини гўшт дўконларида қўй ва қўзи эти деб сотган ёки ошхоналарда пишириб, халққа едиришдек ваҳшийликка йўл қўйган ўн-ўн икки киши қатл этилган.